



БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРДАН ЯГОНА МАҚСАД — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШДИР

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 сентябрь куни Андижон вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Андижон туманида вилоят сайловчилари билан учрашув ўтказди.

Шундан сўнг Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини бориб кўрди.

Бу шифохона 1975 йилда қуриб битказилган. Кейинчалик жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Клиникага йилга ўртача тўқсон мингдан ортиқ мурожаат бўлади. Ўттиз мингдан зиёд бемор стационар тарзда даволанади. Шунингдек, Андижон давлат тиббиёт институти талабалари амалий машғулотларини шу ерда ўтказишади.

Лекин шифохонада бунинг учун шароитлар етарли эмас. Бинолар эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги аҳолини кўздан кечириди. Клиникани ўқитиш реконструкция қилиб, унинг негизда водий аҳолиси учун кардиология, нейрохирургия, кўз касалликлари ва урология бўйича мураккаб операциялар ўтказадиган тиббиёт маркази ташкил этишга кўрсатма берди.

Президент шифокорлар билан суҳбатлашди.

— Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун, энг аввало, одамларнинг саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилашимиз керак. Бу институт ва клиника шу борада катта марказлардан бири бўла олади.

Бунинг учун зарур шароитларни яратамиз. Фақат таълим методикасини янгилаш, дунё тиббиётда қўлланилаётган илгор услубларни татбиқ этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Мутасаддиларга аҳолини кўп Шахрихон тумани мисолида тиббий қўриқ ўтказиб, касаллик турлари бўйича даволашнинг янги услубларини амалиётга жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги “Янги авлод” хусусий мактаби фаолияти билан танишди.

Мазкур умумтаълим мактаби “боғча — мактаб — университет” бўғинидан иборат таълим кластерининг илк босқичидир. Мактаб ўн бир йиллик бўлиб, бу йил илк ўқувчиларини қабул қилди.

Таълим муассасаси уч қаватли иккита ўқув биносидан иборат бўлиб, 55 та синфхона, 3 та лаборатория, фан кабинетлари бор. Улар замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар билан таъминланган.

Мактаб чет тилларига ихтисослаштирилган бўлиб, инглиз, хитой, араб тиллари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи марта инглиз тили бўйича ноанъанавий

методика асосида билим бериш йўлга қўйилди. Бунинг учун алоҳида мураббий фаолият юритади, махсус қўлланмалар нашр этилган. Ўқувчиларга IELTS халқаро имтиҳон тизими бўйича 7-7,5 балл олиши қафолатланади.

Бундан ташқари, аниқ фанларни инглиз тилида интерфаол тарзда ўқитиш, ментал арифметика, ахборот технологиялари, робототехника тўғрисидаги таълим таъминоти, Ошхона, очиқ ва ёпиқ спорт майдонлари, гимнастика ва хореография хоналарида зарур шароитлар яратилган.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси асосида “Янги авлод” мактаби ва Андижон шаҳридаги “Digital City” IT-парки ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Информатика дарслари, робототехника, график дизайн бўйича машғулотлар IT-парк мутахассислари томонидан олиб борилади.

Президент мактаб ўқувчилари билан суҳбатда уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлади.

— Сизлар энг тўғри йўлни — билим йўлини танлагансизлар. Ҳеч қачон ўқийдиган, изланишдан тўхтаманглр. Вақт тез ўтади, эртага ҳаётда муносиб ўрин топишингиз, замонга мос мутахассислар бўлиб етишингиз учун бугун ўқийшингиз керак. Мен ишонаман, сизлар мутлақо янги авлод ёшлари бўлиб

ўлғасизлар, ота-онангиз, эл-юртингиз орзусини рўёбга чиқарасизлар. Чунки сизларда билим бўлади. Билим эса, кўп бор айтганимдек, ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Яккаю ягона нажотимиз — илм, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда мактабгача таълим муассасаси ва университет барпо этиш лойиҳаси тақдимот қилинди. Унга кўра, мактаб ёнида 150 ўринли боғча, 500 ўринли ахборот технологиялари университети қурилиши режалаштирилган. Шу тариқа боғча, мактаб ва университет таълим кластерига айланади. Уларда болалар боғча ёшидан чуқурлаштирилган билим олиб, ахборот технологиялари бўйича етук мутахассислар бўлиб етишади.

Давлатимиз раҳбари хусусий таълим истиқболлари билан қизиқди. Бундай мактабларга хориждан ўқув дастурлари ва ускуналар олиб келишда божхона имтиёзлари бериш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Шу ерда журналистлар билан қисқача мулоқот бўлди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРДОВ,
Фахридин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устоз ва мураббийлар!

Қадри қадрилар!

Авалло, сиз, азизларини, таълим-тарбия соҳасининг барча жонқуяр ходимларини умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қўтлуг айёмда сиз, заҳматқаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларни сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, унинг-ўсиб келаётган ёш авлодимишга безавол етказиш йўлида чинакам фидойийлик қўрсатиб меҳнат қилаётган улуг инсонларсиз. Бу улкан бойлик — ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос — яхши тарбиядир. Шу боис, бугун сизларнинг шаънинишга билдираётган олижаноб истакларимиз, таълим ва ташаққуларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтирмони рамзи сифатида қабул эттайсиз.

Азиз юртошлар!

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишга хизмат қиладиган яхлит ва узлуқсиз тизим яратилмоқда.

Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу ракам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим маканлари, хусусан, Президент мак-

таблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиҳдий ислохотлар амалга оширилмоқда. Охириги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилган, қамров даражаси 3 қарра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиланиш жараёнларида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиланган интилиб яшаётгани, илгор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мухтарам ватандошлар!

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни қўётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни ҳал этиш ва эзгу мақсадларимизга етиш, дунё миқёсида рақобатбардosh бўлиш учун халқимизни, авваламбор, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараққиёт ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлиқ янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экспертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури яратилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича дастлабки натижаларга эришилиб, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таълим олмақда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олийгоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига айлантириш бўйича бошлаган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси — фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли **Ўзлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари концепциясини** ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

Хурматли устоз ва мураббийлар!

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган **Учинчи Ренессансининг тўрт таянч устунини деб эътироф этмоқдамиз**. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллими ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни қўтлуг байрамимиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, мухтарам устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ: ЭВРИЛИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланган. Инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислох қилиш, мактаб инфратузилмасини такомиллаштириш, ўқитувчилик касбининг мавқеини ва таълим сифатини ошириш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳиятли, эртанги кунимиз сунянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бунинг ифодасини соҳада замонавий педагогик технологиялар, ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қўлланаётгани, таълим-тарбия жараёни инновацион ёндашувлар асосида олиб борилаётгани, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа воситаларидан оқилона фойдаланилаётгани, халқаро миқёсда ҳам таълим ва тажриба алмашув жараёни изчил ривожланиб бораётгани каби истиқболли одимларда яққол кўриш мумкин. Халқ таълими вазири Шерзод ШЕРМАТОВ билан суҳбатимиз тизимда олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар хусусида бўлди.

Давоми 5-бетда



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ташаббускорлиги ва фидойилиги, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фолл иштироки учун қўйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони билан

Имамова Сайёра Абдурахмановна — Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-В синф раҳбари, физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Каримов Раҳматулла Ташбаевич — Учтепа туманидаги 81-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан

Асетова Сарбике Алеуовна — Қонлиқўл туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Некрасова Татьяна Павловна — Миробод туманидаги 60-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Норметов Миллавои Жумабаевич — Бўстонлиқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

Юлдошева Шоҳида Саъдуллаевна — Хатирин туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Муродов Камол Эргашевич — Спорт яқажурашлари бўйича республика олий

спорт маҳорати мактабининг дэзюо бўлими мураббийси

Нормуродов Ашур Назарович — Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Каримова Угулжон Салаевна — Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Курамбаев Каримбай — Нукус давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Абибуллаева Анифе Аблязизовна — Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 9-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Атаева Матлуба Яхияевна — Бухоро шаҳридаги 24-қўрши имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича уринбосари, Бухоро вилояти

Бўлатов Саидхон Собитович — Тошкент давлат педагогика университетининг тасвирий санъат кафедраси профессори

Валиева Олмос Солиевна — Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

Жамолова Мавжуда Жамиловна — Бухоро вилояти “Баркамол авлод” болалар мактаби директори

Жуманиёзова Умида Садуллаевна — Хива шаҳридаги 121-қўзи оқиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 6-А синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Қадиоров Аманулло Азизович — Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Стратегик инновациялар ва информатизация тармоқлараро маркази директори

Қаюмова Гулчехра Мухаммаджоновна — Турақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби директори, Наманган вилояти

Қудярова Елизавета Савитовна — Қорақалпоғистон Республикаси 10-қўзи оқиз ва заиф қўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг рус тили фани ўқитувчиси

Лагутина Ольга Владимировна — Учқудуқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 2-Б синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Мирзаева Донохон Мадаминовна — Қўрғонтепа туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

Мирзаева Умида Миррахимовна — Олмазор туманидаги 243-умумий ўрта таълим мактабининг 5-Б синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Муминова Нурхон Тургуновна — Яққасарой туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Насридинов Холмамат Қўзиевич — Қибрай туманидаги касб-хунар мактаби катта устаси, Тошкент вилояти

Давоми 3-бетда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ: ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ УСТУНИДИР



Ўзбекистонда бундан беш йил аввал барча соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам ўта муҳим ва шиддатли ислохотлар бошланган эди. Иқтисодий тизим тўлиқ қайтадан тақомиллаштирилди, айтиш мумкинки, эски қўлиларни синдириш, ўзгартириш қанчалик мушкул ва мураккаб бўлмасин, янгича бозор механизмлари амалиётга жорий этила бошланди.

Ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, нархларни тартибга солиш қўлами қисқартирилгани, тижорат банкларига кредит сиёсатини юртишда кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берилгани, мамлакат иқтисодий тараққиётининг локомотивлари ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларга ўз бизнесини юртиш учун бутунлай янги имкониятлар яратилгани, айниқса, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодиётда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар энди тарихга айланди. Олдинда эса, бу борада ҳам янгидан-янги ҳаётий заруратлар ва уларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўляпти.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури ҳисобланган **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** китобида инсон манфаатлари — жамики иқтисодий ислохотларнинг негизи, асос-моҳиятини ташкил этиши белгиланган. Шу маънода бугун бизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада янги иқтисодий дунёқараш ва тафаккур, янгича иқтисодий бозор муносабатлари ҳалқимизнинг эззу орзу-ниятларини рўйбга чиқариш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришига хизмат қилиши тўғрисида сўз юритилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистон — инсон қадрли устувор бўлган жамият ва ҳалқпарвар давлат. Чунки барча ислохотларда давлат ва жамиятимизни янада ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рўйбга чиқариш олий мақсад этиб белгиланган.

Шу ўринда номзодимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев билан босиб ўтган йўлимизга назар ташласак.

қонуни — талаб ва таклиф асосида амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар туфайли бир замонлар турли бюрократик тўсиқларни енголмай ҳафсаласи пир бўлиб, қўл силтаган чет эллик инвесторлар Ўзбекистондаги муҳит мўътадиллашгач, яна қайта бошладди. Бу йўналишда муҳим уч кадам ташланганини қайд этиш жоиз:

биринчидан, ташки иқтисодий фаолият эркинлашиб, бизнес учун маъмурий тўсиқлар олиб ташланди;

иккинчидан, янги, замонавий, модернизация талабларига жавоб берадиган технологияларни олиб келишга кенг имкон яратилди;

учинчидан, мамлакатимиз фуқароларига, шунингдек, мулкчилик ҳақидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотларга бир хил шaroит яратилди.

Шу билан бирга, кундалик ҳаётимизда кўп бора фойдаланганимиз — **банк пластик картаси** билан боғлиқ муаммолар яқин-яқингача ҳам мавжуд эди. Ўз ойлик маошининг қанчадир қисмидан, айтиш мумкин бўлса, фарзандларни ризқ-насибасидан кечаб, пластик картасига тушган маблагни фойз эвазига нақдлаштирган юртдошларимиз сони озмунча эдимиз? Буларнинг барчасига пул муомаласидаги ислохотлар натижасида ижобий ечим топилди. Ҳозир исталган шаҳар ё туман марказига бориб кўринг, нақд пул муаммоси бормикан?! Терминаллар кечая кундуз ишлаб турибди. Буларнинг бари иқтисодий ислохотларимиз меваси эмасми?!

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА НУФУЗИМИЗ

Ўзбекистон **жаҳон ҳамжамиятида** ўз мавқеини юксалтириш йўлидан шахдам одимлар билан бормоқда. Миллий рейтингимизни белгилаётган халқаро агентликлар ислохотларни муносиб баҳоламоқда. Бугун Ўзбекистон очкилик сиёсатини олиб бориши натижасида **халқаро майдонда** ўз обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда. Оддий сўз билан айтганда, Ўзбекистон хорижий аренада ишончли ҳамкор қиёфасида намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз бундан-да юқори кўрсаткичларга эришишга қодир.

Дунёнинг энг нуфузли нашрларидан бири бўлган Буюк Британиянинг **“The Economist”** журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислохотларни амалга оширган давлат — **“Йил мамлақати”** деб эълон қилди. Шунингдек, Жаҳон банкининг **“Doing Bussiness”**, яъни **“Бизнесни юртиш”** рейтингига Ўзбекистон энг илгор ислохотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олгани фикримиз исботидир.

Жорий йилнинг 10 сентябрида эса жаҳоннинг бир қатор етакчи давлатларида чоп этиладиган, дунё иқтисодчилари орасида машҳур бўлган **“Financial Times”** газетаси саҳифаларида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг таҳлили келтирилганини, ҳуллас, буларнинг барчасини мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг халқаро эътирофи сифатида баҳолаш мумкин. Албатта, биз бундай ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, фарзандларимизнинг фаровон келажаги учун янада каттароқ марралар сари интилоғимиз лозим.

ҚОЛОҚ ТАРМОҚ ҚОЛДИМИ?

Бугун иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ҳудудларнинг имкониятларини тўла юзага чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бундай кенг қўламли ишлар натижаси ҳар бир жабҳада сезилаёпти. Илгари илжосиз бўлган муаммо ва масалалар ҳозирда ўз ечимини топмоқда.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги йўл-йўриқлари асосида бугун юртимизда илгари мутлақо қолоқ бўлган тармоқ ва соҳалар ривожланишининг янги босқичига чиққанига гувоҳимиз. Мисол учун балиқчилик соҳасини олайлик. Айни пайтда диёримизнинг қайси бир супермаркети ёки дўконига кирманг, ҳатто ақингача хорижий валютага импорт қилиб келтирилган, халқ тилида “қизил балиқ” деб ном олган лосось, сёмга, ҳатто осётрлар ҳам Ўзбекистонда етиштирилаётгани кувонарли ҳолатдир. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик, боғдорчилик ва бошқа кўпплаб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи тармоқлардаги пухта ўйланган ислохотлар ўз мевасини бермоқда. Мақсад битта: аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат билан таъминлаш. Бунинг негизда эса, одамларни рози қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш каби юксак вазифалар тургани ҳеч кимга сир эмас.

БАРЧА ЯНГИЛАНИШЛАР ХАЛҚ МАНФААТИ УЧУН!

Ислохотларнинг энг бирламчи мақсади аҳоли фаровонлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Меҳнат тақсимотида нисбатан янгича ёндашув ва ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида пахта йигим- терим мавсумида бошқа соҳа ишчи-ҳодимларининг бу жараёнда иштирок этишига тўла барҳам берилди.

Шу ўринда тўхталиб ўтиш жоизки, жамиятимизда камбағал қатлам борлиги кўп йиллар давомида яширилди. Камбағаллик тушунчаси “кам таъминланганлик”, “эҳтиёжмандлик” деган сўз-у иборалар билан ҳаспўшланди.

Халқ билан мулоқотнинг самарали механизми йўлга қўйилган, ҳақиқий аҳвол, яъни одамлар аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўла бошлади.

Ўрганиш ва тадқиқотлар аҳолининг кўпчилиги етарли ва доимий даромад манбаига эга эмаслигини кўрсатди. Демак, камбағал қатлам мавжуд. Уларнинг тахминан 12-15 фоизлиги ҳам ҳақиқат. Тақрибан айтсак, бу кам эмас, 4-5 миллион аҳоли дегани. Шундан сўнг амалий ишларга киришилди.

Маҳалла, туман шаҳар ва вилоят кесимида **“Ёшлар дафтари”** ҳамда **“Аёллар дафтари”** шакллантирилди. Мазкур дафтарлар ҳокимлар, сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилотларга қайси ҳудудда эрттамм ворислари ва нозик ҳилқат вакиллари масалалари бўйича ҳолат қандайлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш ҳамда шунга қараб зарурий чора-тадбирларни белгилашда қўл келди.

Одатда, ишсиз одамлар ҳунар ўрганиш, маляка эгаллаш учун маблагдан қийналади. Энди давлат айлани шундай паллада ёшлар ва аёлларга моддий ҳамда ижтимоий кўмак кўрсата бошлади. Ажратиладиган маблаг меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларни ўргатувчи миңдан зиёд нодавлат таълим марказлари ташкил этилишига хизмат қилмоқда.

2020 йил бутун инсоният учун жиддий синовлар йили бўлди. Талафотлар катта, йўқотишлар кўп, асоратлар эса ниҳоятда оғир. Аммо ана шундай мушкул вазиятда одамзод бир нарсани ўрганди: ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаёт учун курашишни, олдинга интилишни ҳамда яшаш ва ишлашни.



Тўғри, коронавирус пандемияси айлани авжи паллада ҳамма “уйда қолди”! Яъни “қуринмас ёв”дан азият чекмаслик учун кўпчилик хонадонда иҳоталанишга мажбур бўлди. Ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муассасалари эшигига қулф осилди. Ҳатто қатор давлат идоралари ҳам иш тартибини ўзгартирди. Бироқ ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ.

Энг муҳими, ана шундай мураккаб вазиятда давлатимиз, ҳукуматимиз одамларни ўз ҳолига ташлаб қўймади. Ақсинча, эҳтиёжманд оилалар ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватланди. Айни шу вақтда Президентимиз ташаббуси билан **“Темир дафтар”**лар жорий этилгани эса, масаланинг оқилона ечими бўлди. Бу тизим давлат ёрдамини йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорлиқни сақлаб қолиш учун муҳим асос яратди.

Айни пайтда “Темир дафтар”лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандлиқни таъминлашда манзилли ёндашушни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, “Ёшлар дафтари”га 18-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар киритилса, “Аёллар дафтари” орқали 30 ёшдан ошган аёллар қамраб олинади. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи борларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Камбағалликни одамларга пул тарқатиб қисқартириб бўлмаслиги — оддий аксиома. Одамлар турмуши яхшиланишига тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Иқтисодий тараққиёт, бир томондан, камбағалликни камайтиради, иккинчи томондан, камбағалликнинг кўпайиши иқтисодий тараққиётни сусайтиради. Одамларда соғлиқни сақлаш ва таълимдан фойдаланиш имконини чекланса, улар борган сари қашшоқлашади, иқтисодиётда талаб камаяди. Ўз навбатида, иқтисодиёт ўзининг юқори малакали ҳодимларига бўлган эҳтиёжини қоплай олмайди. Оқибатда ўсиш секинлашади.

Шунга қарамай, коронавирус пандемияси авж олган 2020 йилда аҳолининг барча қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Масалан, 2020 йил бошида ҳар ойда 552 миңг оилага моддий ёрдам берилган бўлса, июнь ойда бу кўрсаткич 774 миңг, июль ойда 876 миңгтани ташкил этди. Йил охирига бориб эса, ижтимоий нафақа берилган оилалар сони 1 миллион 200 миңгга етди.

Кувонарли жиҳати, жорий йилда “Темир дафтар” тизими янги босқичга кўтарилди. Яъни “Ижтимоий реестр”га қамраб олинган барча эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда сўнгги беш йилда амалга оширилган улкан тарихий ислохотларнинг муфассал таҳлили Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда нашр қилинган **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** китобида ўз аксини топган. Бу Янги Ўзбекистонни тараққиёт йўлини янги босқичга олиб чиқишнинг қафолати, деб ҳисоблайман.

Келажагингизга бефарқ бўлманг, сўнгги йиллардаги ютуқларимизнинг бардавом бўлиши учун, тараққиёт йўлимизни изчил давом эттиришимиз учун, янги нурили манзилларга етишимиз учун O'zLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беринг!

Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КўРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

► Бошланиш 1-бетда

Низомова Дилфуза Латифовна — Каттакўргон туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг 11-Б синф раҳбари, биоло-гия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Рахматов Абдусамат Нигматович — Шахрисабз тумани-даги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-ин-тернатининг 10-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Сайдходжаева Нигора Эргашевна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директо-ри, Тошкент шаҳри

Сулеймонова Зайнабхон Уринбоевна — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тилагов Ахмадкул Абдуазимович — Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 5-А синф раҳбари, математи-ка фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Усмонов Аслонқул — Қарши туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Хожимуродова Дилфуза Эшболтаевна — Шеробод туман-идаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг 3-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Рахимова Дилдора Джураевна — Кармана туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси мудири, Навоий вилояти

Тиллаева Зебо Ербековна — Тошкент давлат стоматология институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдурахманова Наргиза Хикматиллаевна — Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

Аминов Руфат Шавкатович — Хива шаҳридаги Президент мактаби директори, Хоразм вилояти

Ахмедов Комил Юнусханович — Ангрен шаҳридаги айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интер-нати директори, Тошкент вилояти

Ивановская Алла Владимировна — Мирзо Улугбек тумани-даги 71-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчи-си, Тошкент шаҳри

КошEROва Абадан Тнишбаевна — Мўйноқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Маматмуродова Ойтути Рахмонкуловна — Жомбой туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Машарипова Гуламдон Эгамбергановна — Урганч шаҳрида-ги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи-си, Хоразм вилояти

Муродова Новбаҳор Нематовна — Яккабоғ туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси мудири, Қашқадарё вилояти

Назарова Фатима Мустафакуловна — Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг 6-Г синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нурматова Гулчехра Хамидуллаевна — Мингбулоқ туман-идаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 3-А синф раҳбари, бошлангич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Паноева Сайёра Тўраевна — Бухоро шаҳридаги 32-Мехри-бонлик уйи тарбиячиси, Бухоро вилояти

Расулов Хаят Заирович (марҳум) — Тошкент архитектура-қурилиш институтининг гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар кафедраси профессори

Рахимов Уткир Шакиржанович — Узун туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Розикова Шохидахон Алижоновна — Андижон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Содикова Розия Жўраевна — Бухоро шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хасанов Олимжон Абдукаимович — Шароф Рашидов туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Худайберганов Гулмирза — Ўзбекистон Миллий университе-тининг математик анализ кафедраси профессори

Юлдашева Хакима Бафходжаевна — Ўзбекистон туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

Яхёев Нурулло Якубович — Навоий шаҳридаги матема-тика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Навоий вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдирова Гулаим Чаржаовна — Нукус шаҳридаги 1-ихтисос-лаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақал-поғистон Республикаси

Алимова Светлана Алексеевна — Охангарон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Бавенд Елена Бахрамовна — Тошкент шаҳридаги “Comptenecies Development Centre” нодавлат таълим муассасаси-нинг математика фани ўқитувчиси

Бердиева Мукаррама Анваровна — Тошкент шаҳридаги Ўджу техника институтининг рус тили кафедраси мудири

Бокиева Роҳатхон Сайпидиновна — Наманган шаҳридаги 26-Мехрибонлик уйи тарбиячиси, Наманган вилояти

Бороздина Лариса Лоревна — Юнусобод туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ғозибекова Матлуба Давроновна — Боёвут туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Давланова Дилором Ахмадовна — Кўшработ туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Джабборова Замира Қудратовна — Косон туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчи-си, Қашқадарё вилояти

Ибрагимова Насибахон Рустамжоновна — Пахтаобод тумани мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари, Андижон вилояти

Каландарова Райхан Амановна — Амударё туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг 7-А синф раҳбари, кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Максудов Илхомжон Нишонбоевич — Косонсой туманидаги 44-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мак-таб тарбиячиси, Наманган вилояти

Мирзаева Зулфия Холматовна — Қарши шаҳридаги "Мурувват" ноғиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

Мирсаидов Мирзиёд — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг наза-рий ва қурилиш механикаси кафедраси мудири

Молдабаева Насиба Кабуловна — Урта Чирчиқ туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Муратова Алфия Назгатовна —Жарқўргон туманидаги 1-мак-табгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Муҳаметшина Нурия Мағсумовна — Жиззах шаҳридаги 29-Мехрибонлик уйи тарбиячиси, Жиззах вилояти

Новикова Ирина Николаевна — Мирзо Улугбек туманида-ги 105-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бошлангич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Рузиева Наргиза Иргашевна — Куvasой шаҳридаги 90-кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сидикова Саёра Уразалиевна — Томди туманидаги табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мак-таб-интернатининг 11-А синф раҳбари, математика фани ўқитув-чиси, Навоий вилояти

Султонов Пўлатжон Салимович — Геология фанлари университетининг нефть ва газ конлари геологияси факультети декани

Тахмазов Чингиз Карам огли — Зарафшон шаҳридаги “Алпомиш” спорт мажмуасининг самбо бўйича катта мураббийси, Навоий вилояти

Тоҳтасимов Шухрат Махмутович — Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори

Узаков Акрам Нурмухамедович — Иштихон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббий-си, Самарқанд вилояти

Ураева Дармон Саидахмедовна — Бухоро давлат универси-тетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Фаттоев Бахтиёр Жабборович — Сариисиё туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Чен Елена Леонидовна — Урганч шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Шодманова Мухаббат Бойзақовна — Жиззах вилояти кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун махсус мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси

Элмуратов Абдуманнаб Сапарович — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Адизова Фируза Бобоқуловна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Навоий академик лицейининг тарих ва ҳуқуқ фанлари катта ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ахмедова Махпират Лапасовна — Самарқанд давлат тиббиёт институти академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Боиназаров Равшанбек Рашидович — Сурхондарё вило-яти кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга ихтисослаштирилган 125-мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси

Ботирова Дилафруз Носировна — Зафаробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 2-В синф раҳбари, бошлангич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Бўstonов Лutfидин Қўшақович — Олтинқўл туманида-ги 5-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ғазизаева Динора Рахматходжаевна — Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган 1-касб-хунар мактаби директорининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Душабоева Фазилат Абдумўминовна — Бўка туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Жонибекова Нодира Шералиевна — Мирзачўл туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жуманов Фарход Каримович — Чироқчи тумани халқ таъли-ми бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Жураева Феруза Хайруллаевна — Шофиркон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари технологияси техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Закирова Зулфия Тўраевна — Сирдарё вилоти 70-санато-рий туридаги мактаб-интернати психологи

Икромова Норгул Шароповна — Миробод туманидаги 294-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи-си, Тошкент шаҳри

Иноятлов Ислom Юсупович — Тошкент “Темурбеклар макта-би” ҳарбий-академик лицейининг тарих фани бош ўқитувчиси

Кожалепесова Индира Оралбаевна — Мўйноқ туманидаги касб-хунар мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Кулмуратов Айбек Омирханович — Шуманай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачи-лик фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбаниязов Дауитбай Қалбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгесининг Ижтимоий-маданий ривожлан-иш ва жамоат ёлпришмалари масалалари кўмитаси раиси

Мамадалиев Собир Иргашевич — Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири, Тошкент шаҳри

Маматқулов Асқар Фахриддинович — Олмалиқ шаҳрида-ги 80-кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Тошкент вилояти

Мирзаева Салимахон Райимжановна — Андижон давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессо-ри, Андижон вилояти

Розиков Камолиддин Усмонович — Тошлоқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сайдов Амин Ҳалим ўғли — Бухоро шаҳридаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Самадова Ҳуснора Нёъматовна — Нишон туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Сапаева Мукаддас Артиковна — Янгиариқ туманида-ги 37-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Содиқов Алимардон Абдулхаликович — Дангара тумани халқ таълими бўлими мудири, Фарғона вилояти

Султонова Мохида Зайиндиновна — Янгикўргон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 7-Е синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тургунов Шерзод Мўйдинович — Бешариқ туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 6-В синф раҳбари, информатика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Хакимова Хулкар Абдусаттаровна — Шўрчи тиббиёт колле-жининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Хамдамов Каромат Ҳақбердиевич — Бухоро давлат универ-ситети Қорақўл академик лицейининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Худайбердиева Дилфуза Жакбаровна — Мингбулоқ педаго-гика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Хусанова Нигора Яхшибоевна — Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эшниязов Эргаш Махмудович — Тупроққалъа туманида-ги хусусий ўқув-тайёрлов курси физика ва математика фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Югай Аурика Иннакентевна — Сирдарё туманидаги касб-хунар мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Юлдашев Носиржон Хайдарович — Фарғона политехника институтининг физика кафедраси профессори, Фарғона вилояти

“Соғлом турмуш” медали билан

Атаджанова Сайёра Кутимовна — Спорт ўйинлари ва ен-гил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гандбол бўйича мураббийси

Маткаримов Фарход Камилович — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳо-рати мактабининг бодибилдинг, фитнес ва мас-рестлинг бўйича мураббийси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Абдувахитов Бозормурод — Жиззах давлат педагогика институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Болтаев Бобурбек Матёқуб ўғли — Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг кимё фани ўқитувчи-си, Тошкент шаҳри

Хайбатуллаева Сожидахон Зийнатуллаевна — Олмазор туманидаги “Aixan kids” нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

“Шухрат” медали билан

Абдуазимова Сурайё Шодмонкуловна — Янгиер шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Абдукаримов Ҳафизилла Вақосович — Чуст туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг 8-Б синф раҳбари, матема-тика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдукаримова Гулбаҳор Бахтияровна — Андижон шаҳри-даги “Brilliant Education” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Андижон вилояти

Абдуллаева Дилобар Дехқоновна — Тўрақўргон туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг 10-Б синф раҳбари, физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдурахманова Дилноза Абдураимовна — Қарши шаҳри-даги 17-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси дефектолог, Қашқадарё вилояти

Абдусаттарова Шахноза Бахтияровна — Тошкент туманида-ги 11-умумий ўрта таълим мактабининг 7-В синф раҳбари, инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Абборова Нозила Сидиқхоновна — Поп туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Аметов Саламат Муратбаевич — Кегейли туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атаджанов Азамат Бекчанович — Урганч мақом санъатиға ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Хоразм вилояти

Атаниязова Гулшат Сейтниязовна — Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ашуров Фарход Тўлқинович — Дехқонобод туманида-ги 77-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ашурова Азиза Эркиновна — Термиз шаҳридаги 12-Мехри-бонлик уйи тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Бойматова Ойсанам Юлдошовна — Денов туманидаги “Kinderland-kids” нодавлат мактабгача таълим муассасаси таъсис-чиси, Сурхондарё вилояти

Ғайбуллоева Дилдора Пулотовна — Қоровулбозор туманидаги 9-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Бухоро вилояти

Дехканова Дилноза Ташпүлатовна — Самарқанд давлат чет тиллар институтининг инглиз тили филологияси кафедраси катта ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Джалалов Азамат Ахрарович — Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Джумакулова Шахло Давлятовна — Тошкент давлат техника университети Термиз филиали академик лицейининг информати-ка фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ёдгорова Ёқутхон Авазхоновна — Учқўприк туманида-ги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Жумаева Дилафрўз Нормуродовна — Навоий шаҳридаги касб-хунар мактабининг информатика фани етакчи ўқитувчиси, Навоий вилояти

Замонов Зокир Турғинович — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Имамохджаева Азиза Анваровна — Халқ таълими вазир-лиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбат-даги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2020 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросининг ҳолати кўриб чиқилди ва ва-зирлик, идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳоки-мияти органлари раҳбарлари томонидан соҳада амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижа-дорлиги юзасидан ҳисоботлар эшитилди.

Йиғилишда республикада сейсмик хавфсиз-лиқни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Амалга оши-рилаётган ишлар доирасида “**Ўзбекистон Ре-спубликаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида**”ги қо-нун ва ҳукуматнинг **3 та** қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда **узок, ўрта ва қисқа муддат-ли зилзила прогнозлари** асосида вазирлик ва идораларнинг факултетда вазиятларда ҳаракат қилиш **режаси тасдиқланди**. Бино ва иншоот-ларнинг қурилишини тартибга солувчи норма-тив-техник ҳужжатлар, қурилиш меъёrlари ва қоидаларига **зилзилабардошлиқни оширишга қаратилган** ўзгартиришлар киритилди.

Бугунга келиб, сейсмопрогностик кузатувлар тармоғи **30 фои**з кенгайтирилди.

Жумладан, сейсмик кузатувлар тармоғи са-марадорлигини ошириш мақсадида Фарғона, Наманган, Жиззах ва Навоий вилоятларида **1 тадан**, Тошкент вилоятида **2 та** (жами **6 та**) **янги рақамли сейсмик станция** очилди.

Магнитометрик кузатувлар сони **5 тадан 15 тага**, гидрогосейсмологик кузатувлар сони **32 тадан 36 тага**, сейсмометрик кузатувлар сони (онлайн режимда) **15 тадан 36 тага** етказилди. Сейсмик станцияларга юқори аниқликда-ги **CMG-54T** акселерометрлари ўрнатилди.

IT технологияларни жорий этиш орқали онлайн сейсмопрогностик кузатув станциялари орқали олинган маълумотлар асосида қайта ишланган ахборот тегишли давлат органларига **4 дақиқа** вақт оралиғида етказиб борилиши йўлга қўйилди.

Замонавий асбоб-ускуналарда ўтказил-ган гидрогосейсмологик тажрибалар асосида

гидрогеодинамик майдонлардаги аномал ўзга-ришларга асосан **ўрта ва узок муддатли зил-зила дарақчиларини аниқлашнинг замона-вий рақамли усули ишлаб чиқилди**.

Содир бўлган зилзила бўйича тўлиқ маълу-мотларни аҳолига етказишни таъминловчи **мил-лий мобилъ илова** яратилди.

Республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган плат-формаси ишга туширилди. Ҳозир **50 мингдан** зиёд бино ва иншоот, **58 та** сув омбори, **37 та** гидроэлектрстанция ва **28 та** насос станциянинг электрон техник паспортлари шакллантирилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмик хавфсизлик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан лабораторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун **9,8 миллиард** сўм пул ажратилди ҳамда умумий қиймати **1,1 миллиард** сўмга тенг бўлган илмий лойиҳалар молиялаштирилди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати йиғилишида эришилган ижобий натижалар билан бир қатор-да тасдиқланган чора-тадбирларни амалга оши-ришдаги мавжуд камчиликлар ҳам кўриб чиқил-ди. Бу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди ва асосий эътибор қуйидаги масала-ларга қаратилди:

Фуқаролар учун зилзила содир бўлган вақт-да тегишли ҳаракат ва чора-тадбирларни амал-га ошириш бўйича услубий қўлланма асосида тарғибот ишларини кенгайтириш;

Тошкент ва Андижон шаҳарларида қури-лаётган қўп қаватли уйларнинг сейсмик мус-таҳкамлигини вибродинамик ускуна ёрдамида синовдан ўтказиш;

2021 йилда гидротехник иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолашни яқунлаш;

Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабдаги сейсмик хатар харитасини ишлаб чиқиш;

2022 йил 1 майга қадар республикадаги бар-ча бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкам-лиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш.

Муҳокама яқунлари бўйича Вазирлар Маҳ-камаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон иқтисодий форуми очилди. Мазкур форум мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижаларига ҳамда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришга бағишланди. Шунингдек, анжуман кун тартибида белгиланган масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Форумнинг расмий очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди.

Форум ишини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоров очиб берди.

Таъкидлаш жоизки, форум ишида иштирок этиш учун Тошкентга Халқаро молия институт-лар, хорижий ҳукуматлар, йирик банклар ва ин-весторлар, консалтинг ва аудит фирмалардан иборат юздан ортиқ ташкилотларнинг уч юздан зиёд юқори мартабали вакиллари келишган.

Форумда Жаҳон банки Вице-президенти Анна Бьерде, Осиё тараққиёт банки Вице-пре-зиденти Шиксин Чен, “Goldman Sachs Asset Management” кенгаши собиқ раиси Жэймс О’Нил, “Rothschild&Co” Вице-президенти, кузатув кенгаш раиси — Эрик де Ротшильд иштирок этмоқда. Бундан ташқари МДХ Ижроия қўмитаси раиси Ижроичи котиби Сергей Лебедев, Тожикистон Ре-спубликаси молия вазири Файзиддин Қўҳорзода, Россия Федерацияси Федерал солиқ хизмати раҳбари Даниил Егоров, Россия Федерацияси

иқтисодий тараққиёт вазири ўринбосари Дмитрий Вольвач, БАА Статистика ва рақобатбардошлик қўмитаси раиси Ҳанан Ахли, Озарбайжон Респуб-ликаси иқтисодиёт вазири ўринбосари Саҳиб Алекперов, Беларусь Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари Дмитрий Ярошевичлар ҳам мазкур тадбирда қатнашмоқда.

1 минг 300 дан зиёд маҳаллий ва хорижий иқтисодчилар, ҳамкор давлатлар вакиллари, халқаро молия институтларининг мазкур фо-румга қизиқиш билдиргани юртимизда кенг миқёсда олиб борилаётган иқтисодий ўзгариш-лар жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида экан-идан далолат беради.

Икки кун давом этадиган Халқаро Форум ялпи йиғилиш билан бошланиб, юқоридаги нуфузли меҳмонлар иштирокида иқтисодий ислохотларнинг сарҳисоби муҳокама қилинади. Мазкур Форумнинг икки кунлик дастуридан жами ўн тўртта секция жой олган бўлиб, унда давлат корхоналари ва банклар трансформацияси, хусусийлаштириш, капитал бо-зорини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳамда минтақавий иқтисодий ҳамкор-лик истиқболлари каби мавзулар қамраб олинган. Мазкур тадбирни “Financial Times” нашрининг

“fDi Intelligence” муҳаррири Якопо Деттони олиб бориб, унда Ўзбекистон ҳукумати вакиллари билан бирга ЕТТБнинг собиқ президенти Сума Чакрабарти, Халқаро молия корпорацияси Ви-це-президенти Хела Шейхруху, Аделаида уни-верситети профессори Ричард Помфрет ҳамда Узавтомоторс бош директори Бо Андерсен ишти-рок этади.

Форум иши давомида иқтисодий ислохотлар натижалари бўлган элликдан ортиқ муҳим шарт-номалар ва келишув ҳужжатлари имзоланиши кўзда тутилган. Шунингдек, икки кунлик муҳока-малар натижасида халқаро ва миллий эксперт-ларнинг келгуси иқтисодий ислохотлар бўйича фикрлари умумлаштирилади.

Форумда дунёнинг етакчи экспертлари ва таҳлилчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохот-лар янги гоғлар учун муҳим замин бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Улар “Янги Ўзбекистон – янги имкониятлар” дунё бўйича очиклиқ бора-верериши ва давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар самарали кечи-шига кенг имкониятлар яратишига ишонч билди-ришди. Бир сўз билан айтганда мамлакатда илк бор ўтказилаётган Ўзбекистон Иқтисодий фо-руми Янги Ўзбекистон тараққиётида янги давр бошланганидан далолат беради.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР НАМУНАСИ

Мамлакатимизда жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловиға тайёргарлик муҳим паллаға кирди. Айни кунларда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин давом этмоқда. Аҳоли номзодларнинг сайловолди дастури билан яқиндан танишиб, уларда илгари сурилган ташаббуслар юзасидан фикр алмашмоқда. Сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўляпти.



Ислонбек РУСТАМБЕКОВ,
Тошкент давлат юридик
университети ректори в.в.б.,
юридик фанлар доктори,
профессор

Шу ўринда айтиш керакки, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташки-лотлар жиғдий шугўлланадиган масала ҳисобла-нади. Ҳозирги пайтда дунёда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид йиғирмадан зиёд халқаро ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган стандартлар мавжуд. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўзи яшаётган давлатнинг бошқарувида бе-восита ёки эркин сайланган вакиллар орқали қат-нашш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлмоғи лозим. Бу ирода даврий ва сох-талаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ёки овоз бериш эр-кинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

Бундан ташқари, БМТ томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқа-ро пакт, БМТнинг Ирқий камситишнинг барча ша-клларига барҳам бериш ҳақидаги ҳамда Аёлларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шакллариға барҳам бериш ҳақидаги конвенциялари, Парла-ментлараро иттиқот кенгаши томонидан қабул қи-лингн Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида ҳам демократик сай-лов принциплари ўз аксини топган.

Шу ўринда бир савол туғилади: Миллий сайлов қонунчилиғимиз мазкур халқаро стандартларға қанчалик мувофиқ келади?

Ўзбекистон Конституцияси ва Сайлов кодекси-да сайловнинг умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш, қўптартиявийлик, муқобиллик, очиклик ва ошкоралик, эркинлик, адолатлилик ва ҳақонийлик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган демократик принциплари ҳар томонлама ўз ифодасини топган. Масалан, умумий сайлов прин-ципи фуқароларимиз қимлигидан қатъи назар, сай-лов ҳуқуқидан фойдаланишини аңглатади.

Сайлов кодекси асосида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят со-

дир этгани учун суднинг ҳукми билан озодлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар-да сайлаш ҳуқуқи вужудға келиши билан умумий сайлов ҳуқуқи принципи миллий сайлов қонунчи-лиғига янада тўлиқ жорий этилгани, яъни халқаро стандартлар талаблари имплементация қилинган-ини аңглатади.

Тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаш ҳар бир сайловчининг бир овозға эга экани ёҳуд сиёсий партияларға бир хил имкониятлар яратилгани билан амалға оширилади. Яна бир ислохот — сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатға олиш учун белгиланган охириги куннинг эртаси-дан эътиборан бошланиши, яъни номзодлар сайловолди ташвиқотини бир вақтда бошлаши таъминланиши тенг сайлов ҳуқуқи принципининг ёркин исботидир.

Яна бир принцип — тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи. Яъни фуқаролар ашаб турган жойида овоз бериши орқали депутатлар ёки Президент-ни сайлайди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиши ва “бир сайловчи — бир овоз” тамойили асосида фуқаролари-мизнинг қаерда яшаётганидан қатъи назар, сай-ловда иштирок этиши таъминланганини алоҳи-да эътироф этиш лозим.



“Тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаш ҳар бир сайловчининг бир овозға эга экани ёҳуд сиёсий партияларға бир хил имкониятлар яратилгани билан амалға оширилади. Яна бир ислохот — сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатға олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши, яъни номзодлар сайловолди ташвиқотини бир вақтда бошлаши таъминланиши тенг сайлов ҳуқуқи принципининг ёркин исботидир.”

Яширин овоз бериш ҳам сайловнинг муҳим прин-ципи ҳисобланиб, фуқароларнинг овоз беришда ҳеч ким таъсир қила олмаслигини аңглатади. Муд-датидан олдин овоз бериш сайлов варақалари ўрни-ға сайлов бюллетени орқали амалға оширилиши белгиланишини ҳам яширин овоз бериш принципи миллий сайлов қонунчилиғида янада мустаҳкам-ланганига мисол бўла олади.

Миллий сайлов қонунчилиғини янада такомил-лаштириш, умумэтироф этилган халқаро стан-дартларға мувофиқлаштириш доимий ҳамда мунта-зам давом этадиган жараёндир. Бу борада халқаро ташкилотлар ва экспертлар тавсиялари асосида Сайлов кодексиға жорий йилда икки марта ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритилгани фикримизни яққол исботлайди. Хусусан, 2021 йил 8 февралда сайлов қонунчилиғига киритилган энг муҳим ўзгаришлардан бири Президент ҳамда маҳаллий вакиллик орган-лари сайловлари муддатини декабрь ойдан ок-тябрь ойига қўчириш бўлди.

Барча мамлакатларда Президент муайян муддатға сайланади. Мазкур сайловнинг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, Президент сайлови орқали халқ ўзи ишонган вакилни муайян муд-

датға давлат раҳбари этиб сайлайди. Конституци-ямизда Президент Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғри-дан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатға сайланиши белгиланган.

Ҳар йиллик режаларни ҳаётға татбиқ қилиш йил бошидан бошланишини инобатға олсак, сай-ловнинг декабрь ойи охирида ўтказилиши янги сайланган Президентнинг йил бошидан ўз лаво-зишмиға кирилиши ва муҳим стратегик дастурлар қабул қилинишининг кечикишиға сабаб бўлиши мумкин эди. Сайлов барча учун мақбул бўлган са-нада ўтказилиши оқилона ечим бўлди.

Шу билан бирға, ЕХХТнинг Демократик инсти-тутлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИ-ИХББ) тавсиялари асосида Сайлов кодексида сайлов комиссиялари номзодларнинг сайловчи-лар билан учрашувларини ташкил этишиға оид вазифаси чиқариб ташланганини алоҳида эъти-роф этиш жоиз. Қайд этиш зарурки, сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш бевосита сиёсий партияларнинг иши бўлгани сабабли сай-лов комиссиялари бу ишға аралашини уларға хос бўлмаган вазифа ҳисобланиди ва мазкур амалиёт халқаро тажрибада ҳам ўз аксини топган.

Шунингдек, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқлан-моқда. Масалан, давлат хизматчиларига, агар улар ишончли вакил бўлмаса, шунингдек, ҳар-бийлар, диний ташкилотлар хизматчилари, судья-ларға сайловолди ташвиқотини юритиш тақиқлан-моқда.

Сайлов соҳасидаги оғрикли масалалардан бири хориждаги сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхати мазкур муассасалар раҳ-барлари томонидан консуллик рўйхати бўйича тақдим этиладиган маълумотлар асосида ту-зилиши эди. Натижада хориждаги фуқарола-римизнинг сайлов ҳуқуқлари муайян даражада чекланиб келарди. Шу бонс, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини диплома-тик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сай-ловчилар рўйхатиға киритиш тартиби, шунин-гдек, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойида қўйма қўтиларда овоз беришининг ҳуқуқи асослари яратилди.

Шу билан бирға, ДИИХББ сайловлар бўйича миссиясининг тавсиялари асосида, жумладан, сай-лов бюллетенида номзоднинг эғаллаб турган лаво-зим, иш жойи кўрсатилиши ҳақидаги норманинг чиқарилиши номзодларға тенг имконият яратишға қаратилган ислохот бўлди. Мазкур ислохот овоз беришда, энг аввало, номзоднинг сайловолди да-стурида илгари сурилган масалаларға эътибор қар-атишға хизмат қилади.

Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирларни ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида те-гишли туман (шаҳар) ҳокимликлари қамида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказиш тартиби сайловолди ташвиқотида ном-зодлар, сиёсий партиялар, сайлов жараёниға ма-сўулларнинг ортиқча оворагарчилиғининг олдини олишға қаратилган бўлиб, оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб этилмаслигини аңглатади. Бундан ташқари, тегишли қонунчилик билан идентификация қартаси ҳам шахсини тас-диқловчи ҳужжатлар сирасиға киритилиши сайлов қонунчилиғида мустаҳкамланди.

Сайлов қонунчилиғиға киритилган янгилик-лар бўлажак сайловда юртдошларимизнинг фаол иштироки орқали сайловни демократик мезонлар асосида ўтказишға, мамлакатимиз-нинг узок муддатда мўлжалланган тараққиёт стратегияси қафолатини таъминлашға хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МДХ САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан, МДХ сайловларни кузатиш миссиясининг узок муддатли кузатувчилари мамлакатимизда келди. Кузатувчилар делегациясига МДХ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Леонид Анфимов бошчилик қилмоқда. Шу муносабат билан 29 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясида миссия аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зай-ниддин Низомижўаев халқаро кузатувчиларни Ўзбекистондаги Президент сайлови кампания-си билан таништириб, муҳим сиёсий жараёнға тайёргарлик, ташвиқот тадбирлари мамлакат Конституцияси ҳамда Сайлов кодексиға муво-фиқ очик ва ошқора руҳда давом этаётганини таъкидлади.

МДХ кузатувчилари фаолиятини муво-фиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида миссия штаби иш бошлайди. Улар сайлов жара-ёнининг бориши ҳақида материалларни тўплаш, таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, телерадиоканаллар ҳамда босма ОАВда чиқаётган сайловға оид ма-териалларни мониторинг қилиш каби ваколати доирасидаги тадбирларни амалға оширади.

Учрашувдан сўнг Л.Анфимов оммавий ахбо-рот воситалари вакиллариға миссия фаолияти юзасидан интервью бериди.

— Марказий сайлов комиссиясида бў-либ ўтган учрашувда юртингизда кечаётган сайловолди кампанияси бўйича батафсил маълумотға эга бўлдик, — деди Л.Анфимов.

— Айтиш жоизки, бу биз учун янги миссия эмас. Агар бу галги сайловни ҳам инобатға олсак, МДХ кузатувчилари саккизинчи мартабада Ўзбе-кистондаги сиёсий жараёнда кузатувчи сифати-да иштирок этмоқда. Жумладан, биз 2016 йилги Президент, 2019 йилги парламент сайловлари-да ҳам иштирок этганмиз. Ишончим комилки, бу галги Президент сайловида Ўзбекистон халқи юртингизни ҳар томонлама ривожлантиришға қодир муносиб етакчиға овоз беради.

Леонид Анфимовнинг айтишича, МДХ куза-тувчилари миссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон-нинг миллий қонунчилиғи талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандар-тларға амал қилади. Бундан ташқари, мустақил-лик, қонунийлик, очиклик, бетарафлик тамойил-ларига тўла риоя этилади.

Миссия фаолияти давомида тўпланган ҳуло-салар ва тавсияларни сайловдан кейин ташкил этиладиган матбуот анжуманида оммага эълон қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ:
ЭВРИЛИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Бошланиш 1-бетда

— Юрт иқтисодиётининг барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан рақобатлаша олиши ҳам меҳнат бозоридagi кадрларнинг салоҳиятига bogʻliq. Бундай кадрлар эса, энг аввало, мактабда шаклланади. Яхши йўлга қўйилган таълим тизими сифатли кадрларни, сифатли кадрлар эса ривожланган жамиятни барпо этади. Сузбатиимизни бугунги кунда таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар, жамиятда ўқитувчининг мавқеи ва обрўсини оширишга қаратилаётган эътибор хусусидаги мулоҳазалар билан бошласак.

— Мамлакатимиз ўз тараққийотининг янги даврига қадам қўйган айни пайтда инсон капиталига сармоа киритиш, таълимни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган гоа асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор қарор ва фармонлари эълон қилинди.

Республикаимизнинг барча ҳудудида Президент мактаблари, иход ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилиб, уларга энг малакали мутахассислар жалб этилди. Шунингдек, мавжуд мактабларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, барча ҳудудда замонавий ўқув масканлари барпо этилмоқда.

Янги мактаблар қурилиши учун тарихда кузатилмаган миқдорда маблаг ажратилмоқда. Биргина 2021 йилнинг ўзида қарийб 876 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 520 та мактабда Инвестиция дастури, 340 та мактабда “Обод қишлоқ” дастури асосида, 9 та мактаб ҳомийлар, 17 таси маҳаллий бюджет маблаг ҳисобидан таъмирланди.

Бундан ташқари, жорий йилда 6177 та мактабда таъмирлаш ишлари бажарилди. Энг қувонарлиси, 42 та мактаб мутлақо янгидан қурилиб, замонавий қиёфага келтирилди. Ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилди.

Жамиятда муаллимнинг мавқеини, ўқитувчилар касбининг нуфузини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, сўнгги йилларда педагоглар ойлик маошининг 1,5 баробар оширилгани бунинг далилидир.

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчига ҳурмат-эҳтиром жамиятни ўзгартиришдан бошланади. Шу боис, айнан халқ таълими соҳасидаги ислохотларни бошлашда қўйилган энг катта вазифа ҳам жамиятда устознинг нуфузини ошириш бўлди. Авваллари ўқитувчи деганда қўз олдимишга далада пахта тараётган ёки ободонлаштириш билан шуғулланаётган инсонлар келарди. Ҳатто шунча ҳолатлар бўлдики, мактаб ўқитувчиси маҳаллий ўғит ташши ёки битмай қолган намунавий уйлар атрофини тозалашгача жалб қилинди.

Хизмат сафари билан қайсидир вилоятга борганимда қизик бир воқеани айтиб беришганди. Катта бир раҳбар келиши олдидан билнолар, кўчалар озодалигига мактаб ўқитувчилари масъул қилиб тайинланган. Бир ўқитувчи йўл четидаги дўкон ойнасини артarkan, ўша дўкон эгасининг ўғли — шу ўқитувчининг қўлида ўқийдиган бола “Мана бу ерни тозалаб артинг, яхши артмасбиз”, дея калака қилган. Устознинг қадри шу даражада ерга урилган.

Ўқитувчи фақат маош олиш учунгина бу касбни танламайди. Болаларга меҳр қўйган, соҳага фидойи, ўзининг ишини яхши кўрган инсонгина ўқитувчи бўла олади. Кўпгина фидойи ўқитувчилар энг қийин пайтларда мактабни тарқ этмаганининг боиси ҳам шунда. Майли, пахта терсин, кўча супурсин, аммо ўқитувчиларни шараф деб билган, касбининг машаққати ортидан роҳатланган устозларни ҳар биримиз ҳаётда учратганимиз.

— Таълим соҳасидаги ислохотларнинг самараси бугун нимадари кўриняпти? Хусусан, педагог ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, ихтимойи ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишларни санаб ўтиш баробарида уларнинг қанчалик самара бераётгани ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ислохотлар ўқитувчиларни мактабга қайтариш, уларни таълимдан бошқа, хизмат вазифасига кирмайдиган барча ишлардан, ортиқча қорозбошликдан озод қилишдан бошланди. Бунинг натижасида ўқитувчининг ўз устида ишлаши ва болаларга қўшимча дарс беришига имконият яратилди. Мактабнинг самараси битирувчиларнинг ҳаётда муваффақиятга эришиши билан ўлчанади. Бунинг биринчи катта меzonи ўқувчиларнинг олий ўқув юртига ўқишга кириш қўрсаткичи бўлса, кейингиси муайян соҳада фаолият юритаётгани ёки бизнес билан машғуллигидир.

Солиштирадиган бўлсак, жорий йилда олий таълим муассасаларига ўтган йилга нисбатан 14 минг нафар кам ўқувчи ҳужжат топширган. Лекин гранта кирмаган сонни икки баравар ошган. Яъни институтга ҳужжат топширган битирувчиларимиз сонни камайган бўлса-да, улар орасидан дарс асосида ўқишга қабул қилинганлар сонни икки бараварни ташкил этмоқда. Умумий грант квотасининг 75 фоизини мактаб битирувчилари эгаллаб турибди. Бу албатта, ўқувчиларнинг аввалиги йилларга нисбатан яхшироқ тайёрлангани натижасидир.

Бундай натижага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Бунда мактаб таълими сифатини ошириш нечоғли аҳамиятга эга эканини изохлаш шарт эмас. Аммо таълим сифати паст бўлган энг ёмон мактабларни яхшилаш оғриқли нукталаримиздан бири.

2019 йилда 2126 та ана шундай мактабнинг бирорта ўқувчиси олий таълим муассасаларига ўқишга кирмаган. Ана шу мактаблар манзилма-манзил ўрганилди. 10 мингта мактабни ўрганишга имкониятимиз йўқ, албатта. Лекин 2126 та мактабни ўрганиш асосида мактаб раҳбариятининг лавозимга қай даражада лойиқлик, салоҳияти ўрганиб чиқилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2020 йилда шундай мактаблар уч баравар камайди. Жорий йилга келиб эса бу қўрсаткич яна тўрт



баравар камайди. 2019 йил билан солиштириб қўрилганда, энг ёмон қўрсаткичли мактаб 12 бараварга камайганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Йиллар давомида бирорта олий маълумотли мутахассис чиқмаган 2000 дан ортиқ мактаб ва маҳалладан бугунги кунда бўлгуси шифокор, журналист, муҳандис, ўқитувчилар чиқишни бошлагани қувонарли. Бу билан нафақат мактаб болаларининг келажакдаги ҳаёти сифати ошмоқда, балки ўша ҳудуд, маҳаллаларда камбағалликнинг олдини олишга замин яратилаётир.

Мамнуният билан айтишим мумкин, биз ҳамма мактабларда қайсидир даражада таълим сифатини кўтаришга эриша бошладик. Икки йилда энг ёмон мактабларнинг 12 баравар камайгани фикримизга далил бўла олади. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ҳар бир мактабга манзилли ёндашиш ўз натижасини берди. 98 та олий таълим муассасаси 634 та мактабни оталиққа олиб, унга ёрдам берди. Бунинг натижасида деярли 90 фоиз оталиққа олинган мактабларда ижобий томонга ўзгариш кузатилди.

Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашига имконият яратилди. Йиллар давомида олий тоифали ўқитувчилар 4 фоизни ташкил этиб келган бўлса, бир йилнинг ўзида 6 фоизга чиқди. Яъни 10 мингта яқин ўқитувчиларга қўшимча олий тоифа берилди. Биринчи тоифали ўқитувчилар сонини ҳам 13 фоиздан 17 фоизгача, яъни 4 фоиз ошди. Бу дегани бир йилда 30 миңдан ортиқ ўқитувчининг тоифаси кўтарилмоқда. Ана шу 30 миң нафардан ортиқ ўқитувчининг ҳар бири ўртача 30 нафаргача болага сифатли дарс бера бошлаганининг ўзи самара қўрсаткичларидан биридир. Бундай ўзгаришларни мамлакатимизнинг ҳамма вилоятида куриш мумкин.

Таълим сифати паст, аттестациядан ўтолмаган, олис ҳудуддаги 1409 та таълим сифати энг оғир мактабларга салоҳиятли мутахассисларни жалб қилдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, бошқа вилоятдан бориб шундай мактабларда ишлаганларга 100 фоиз, бошқа тумандан бориб фаолият юритганга 50 фоиз устам таънадиған бўлди.



Таълим сифати энг паст мактабга манзилли эътибор қаратилиши ўз натижасини берди.

— Дарсликлар ўқитувчилар учун маълум бир мавзунини ўқитиш, ўқувчилар учун билим олиш манбаи ҳисобланади. Шу маънода, фанлар дарсликларини мазмун-моҳиятда, шунингдек, уларнинг тайёрланишида матбаачилик нуктаи назаридан қандай ўзгаришлар бўлди?

— Утган йиллар мобайнида халқ таълими тизимида йўл қўйилган камчиликлардан бири — мактаб таълимини қамраб олувчи ва мазмунини яққол ифодалайдиган яхлит дастур ишлаб чиқилмаган. Вақоланки, ўқувчи мактабни битирунунга қадар эгаллайдиган қўниммаси, билими билан бирга, ўқитувчиларга ўқувчиларнинг ўзлаштиришини кузатиши ва ёрдамлашини учун меъёрлар жамланган ягона таълим дастурининг самарадорлиги қатор мамлакатлар таърибасида ўзини оқлаган.

Шуни ҳисоба олиб, дарсликлардан олдин миллий ўқув дастури яратилди. Нимани ўқитамиз, деган масала қайта кўриб чиқилди. Мазкур ҳужжат замонавий ўқувчи эгаллаши керак бўлган турт муҳим жиҳатнинг ривожланишини таъминлайди. Булар — танқидий фикрлаш, иқидий ёндашиш, ҳамкорлик ўрнатиш ва мулоқот қилиш қўним-мапери. Миллий ўқув дастурида мактаб битирувчисига талаблар, ўқув юкламалари, ўқитиш методикаси ва баҳолаш тизими белгилаб берилди.

Олдин бир мисол: япониялик мутахассислар билан математика фанини таҳлил қилганимизда мавзу-

лар жуда оғир, ўрганиш қийин қилиб тайёрланганини кўрдик. 10-11-синфга бориб 5 фоиз бола математикани яхши билиши, қолган 95 фоиз ўқувчи эса бу фандан беизиши мумкин эди. Шу боис, осон тушуниладиган, қизқарпирок, эртага ўқувчи қайси соҳада фаолият олиб бормасин, математикани яхши билишига замин яратадиган янги дастур ишлаб чиқилди. Албатта, математикани кучли ўқийдиган 5 фоиз ўқувчи учун ихтисослаштирилган, қўшимча ўқитиладиган мактабларда таҳсил олиш имконияти яратилди. Шу тариқа умумий мактаб битирувчилари ҳам математикани қизиқиб ўқий бошлашига эришилди.

Бу йил 1-2-синфнинг китоблари янги дастур асосида чиқяпти. Аввалги дарсликлдан нимаси билан фарқ қилади, деган савол тўғилиши табиий. Масалан, 1-синф математика дарслиги болани таҳлилий-танқидий фикрлашга ўргатишга қаратилган. Математика фақат рақамлар, ҳисоб-китоб, формуладан иборат эмас, болани мантйий фикрлаш, умумлаштириш, ажратиш, ўхшашларини белгилаб олиш, дунёқарашини ўстиришга мўлжалланган дарслик бўлишига эътибор берилди.



Ҳамма йўлдошев олган суратлар.

Кейинги фарқи — олдин ўқитувчининг китоби бўлмаган. Фақат битта дарслик бўлган. Ҳозир дарсликлдан ташқари ўқитувчининг китоби ва маш дафтери, мультимедиа иловаси, умуман, ҳар бир фан бўйича туртта материал ишлаб чиқилди. Бу маҳмуа Кембрик системаси бўйича яратилди. Ўқитувчига тайёр ўқув қўлланма берилаётир. Авваллари ўқитувчига конспект ёзасан, дейилган. У конспект ёзиши учун қўлида на бир қўшимча адабиёт, на интернет бўлган.

Ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай ўқитувчи дарсга киришдан олдин тайёрларлик кўради. Бугун унинг қўлига тайёр ўқитувчи китоби, интернет, методик қўлланма берялмиз. Сифатли, ёрқин ранглардаги дарсликлар ўқувчилар учун ҳам худди шу тартибда тайёрланапти. Бу катта аҳамиятга эга. 2026 йилгача миллий ўқув дастури жорий қилиниши кўзда тутилган. Бундай дарсликлар яна юқори синфлар учун ҳам яратилади.

10 миллион АҚШ долларидан иборат хорижий грант ҳисобига Кембрик университети наشريётда

рида бу борада қандай ўзгаришлар, ютуқлар кўзга ташланмоқда? Амалиётга йўналтирилаётган янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари нималардан иборат?

— Чет тилларнинг ҳар бирини тўлиқ қайта кўриб чиқялмиз. Халқаро даражада инглиз тилини ўргатадиган тўлақонли китоблар келтириляпти. Инглиз тилида халқаро сертификатга эга ўқитувчиларни қўпайтирялмиз. IELTS ва TOEFL — бу инглиз тилини билиш даражасини кўрсатадиган сертификат бўлса, TESOL инглиз тилида дарс бериш имкониятини билдиради. Яъни ўқитувчи инглиз тилини билиши, аммо яхши дарс беролмаслиги мумкин. Шу кунга қадар ўқитувчиларимизнинг 400 нафари TESOL сертификатини олишга муваффақ бўлди. Келгуси 3 йил давомида яна 15 миң ўқитувчини қайта тайёрлаш кўзда тутилган. Бу АҚШ билан қилинган English Speaking Nation лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда. Ушбу сертификатни олган ўқитувчиларнинг маоши оширилди. Масалан, CEFR бўйича 15–30 фоизлик устам олса, TESOL ёки C1 даража сертификатига эга бўлганидан сўнг унинг устига яна 50 фоиз



**АБДУЛЛА АВЛОНЙНИНГ
“ТАРБИЯ БИЗ УЧУН
Ё ҲАЁТ — Ё МАМОТ,
Ё НАҲОТ — Ё ҲАЛОКАТ,
Ё САОДАТ — Ё ФАЛОКАТ
МАСАЛАСИДИР”, ДЕГАН
ЧУҚУР МАЪНОЛИ ФИКРИ
БАРЧА ИШЛАРИМИЗДА
ДАСТУРУЛАМАЛДИР.
ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ
ҲАМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ
ТАРБИЯСИДА КОМИЛИККА
ЭРИШИШ. ШУ МАҚСАДДА
ҲАММА СИНФЛАР УЧУН
МЎЛЖАЛЛАНГАН “ТАРБИЯ”
КИТОБЛАРИНИ ЧИКАРДИК.
БУ КИТОБЛАРДА НАФАҚАТ
ЯХШИ ТАРБИЯ ҲАҚИДА СЎЗ
БОРАДИ, БАЛКИ БАХТ ВА
МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ
ҲАМ ЎРГАТИЛАДИ. БАХТ ВА
МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШГАН
ИНСОНЛАР ТАҲРИБАСИ
ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИ
РУҲЛАНТИРИЛАДИ. ТАРБИЯ
ФАНИДАН ДАРС БЕРАЁТГАН
ЎҚИТУВЧИ ЎЗИ ҲАМ ШУ
НАРСАНИ ТУШУНИШИ
КЕРАК.**

либ, вилоят марказида малака оширган. Бу ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлган. Айни пайтда www.onlinedu.uz узлуksиз касбий таълим платформаси орқали муаллим ўзининг вақти ва имкониятига қараб малака ошириши мумкин. Ана шу мақсадда мактабларда оптик толали интернет ўрнатилмоқда. Педагог онлайн тарзда малакасини ошириши, янгиликлардан хабардор бўлишига шароит яратилмоқда. Мактабларда ахборот технологиялари билан жиҳозлаш давом этапти.

— Соҳада амалга оширилиши кўзда тутилаётган ишлар, режалар ҳақида билишни истардик.


— Болалар яхши ўқиши учун шароитларни янада яхшилаш — энг устувор вазифамиз. Бунинг учун иложи борича кўпроқ янги мактаб, янги ўқувчи ўринларини қўпайтиришимиз керак. Бу борада жуда катта режалар қилиняпти. Айни пайтда молиявий манбаларни аниқлаш, моддий техник базани мустаҳкамлаш юзасидан иш олиб бораймиз. Сарой қуриб қўйсангиз ҳам ўқитувчининг савияси, билими етарли бўлмаса, фойдаси йўқ. Шунинг учун ўқитувчининг касбий малакасини ошириш, ишлаши учун шароит яратиш борасидаги ишлар давом эттирилади. Олий, биринчи тоифали, халқаро сертификатга эга ўқитувчиларнинг маоши ва даражаси ошиб боради.

Фақат дарслик билан чегараланиб қолмай қўшимча китоблар олиб келишимиз керак. Зеро, мактабга энг кераклиси — абу адабиёт. Дарсдан ташқари маданият, санъат, китобхонлик, спорт, ахборот технологияларига қизиқтириш устувор вазифаларимиздан. Умуман олганда, қиладиган ишларимиз кўп. Жуда катта йўналиш бор. Республика бўйича таълим сифатини бир хил даражада кўтариш, иқтидорли болалар билан ишлаш, уларни саралаб, ихтисослашган, Президент мактабларига ўтказиш, халқаро олимпиадаларга қатнашишларини таъминлаш. Авваллари олимпиадада ғолиб бўлган бола фақатгина мактаб ёрлиғи билан тақдирланган бўлса, айни пайтда халқаро олимпиадада ғолиби 122 миллион сўм билан тақдирланыпти. Уни олимпиадага тайёрлаган устозиға ҳам деярли шунча пул берилади. Бу тарихда бўлмаган.

Маҳаллий ҳокимиятлар билан бирга ўқувчиларни қайсидир касб ёки бизнесга йўналтириш борасида зиммамизда катта вазифалар турибди. Уларга ахборот технологиялари соҳасида етарли билим бериш ва шу орқали даромад топишга ўргатишимиз зарур. Айни пайтда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида кўп ўқувчилар IT йўналишидаги билимларини эгаллади. Энди улар аста-секин даромад топишга ҳаракат қилади. Мақсадимиз ҳам болаларимиз келгусида оиласининг бағрида, интернет орқали яхши даромад топиб яшасин. Мактаблардаги интернет, компьютер, замонавий дарсликлар бунда муҳим омил бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча устоз-мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами билан чин дилдан табриқлаймиз. Уларнинг ишларига муваффақият тилаймиз.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.**



АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАЙЛИК Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади

Инсоният ривожини, халқ, миллат раънақи, маънавий тақомили ва юксалиши илму маърифатнинг юқори чўққига етганлигидан далолатдир. Бу эса, ўша миллат, халқ, давлат ва жамият тамаддунининг юксак даражасини белгилловчи муҳим мезондир. Инчунин, юксак тамаддунга эга миллатнинг илдиизи маърифат чашмасига тўйинган, танаси билим, меъаси эса етуқлик, баркамоллик, қомилликдир. Ўзбек халқи ана шундай маърифат чашмасидан озиқланган, илдиизи бақувват, тарихда бир нечта ренессанс даврини бошлаб берган ва дунё тамаддунига қўллаб ҳадоҳларни етиштирган миллатдир.

Етуқлик, эзгулик

Буюқлар қолдирган чашма шу қадоқ пок ва тақорланмаски, ундан ичганинг сари мудои бу чашмага интилаврасан. Интиланганинг сари ўзингда қомиллик, етуқлик, эзгулик қасб этиб бораверасан.

Дарҳақиқат, бугунги авлод ҳам аждодлар қолдирган ана шу маърифат чашмасига интилиб яшайи ва улар меросини чуқур ўрганган ҳолда тадиққ этиши ва бу асосида, жамият маънавий юксалишига хизмат қилиши лозим.

Буюқ фақиҳ Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари қимматли манбалардан бўлиб, неча асрдан буюн фиқҳ илмига оид изчил ва муқаммал қўлланма сифатида ўқиб келинган. Мазкур асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда, ислом ҳуқуқига оид қимматли манба сифатида соҳа мутахассислари томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда муайян даражада асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, “Ҳидоя” асари жами 6 жилддан иборат бўлиб, 2 жилди тўлиқ ва муқаммал ҳолда жорий алифбода нашр этилди. Олимлар томонидан асарнинг қолган 4 жилдини нашр этиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу албатта, бизга бой меросимиздан баҳраманд бўлиш, маънавий қамолотимиз йўлида истифода этиш имконини беради.

Ёки араб тили грамматикасини чуқур ўрганиб, арабларга ўз тилидан сабоқ берган ва “Хоразм фақиҳи”, “Араб ва ғайри араблар устози” деган юксак номларга сазовор бўлган Маҳмуд Замаҳшарий фаолияти ҳам ўзига хос ва араб тилшунослигини ўрганишда алоҳида ўринга эга. Замаҳшарий тафсири, ҳадиси, адабиёт, фиқҳ илмлари бўйича ҳам бебаҳо асарлар яратган йирик олимдир. Айниқса, машҳур “ал Кашшоф” асари дунёнинг ислом олий даргоҳларида Қуръон тафсирига оид муҳим дарслик сифатида ўқитиб келинади.

Бинобарин, олимнинг араб тилшунослиги ва грамматикасини ҳамда Қуръонни ўрганишга доир қарашлари ҳамда маънавий аҳамиятини йўқотмаган ҳолда, бугунги кунда қўллаб янги-янги тадиққотларни юзага келтириш мумкин.

Шунингдек, инсонни қомиллик сари интилишига ва жамиятда ҳалол, пок, қамтарлик бўлишга, ҳамиша эзгу ишлар қилишга қорлаб келган тасаввуф таълимоти ҳам эзгу ғоялари билан жамият маънавий ривожига бекиёс ҳисса қўшиб келган. Бугун етти пир сифатида эътироф этилаётган авлиё зотлар амалий фаолиятида илму ирфон нурини қўрамиз.

Чунончи, Хожакон тариқати асосчиси, ориф зот Абдуҳалиқ Ғиждувоний ирфоний қарашлари орқали юксак инсоний сифатларни, умуминсоний ғояларни ўз асар ва ўғитларида илгари сурган. Хусусан, аллома “Васиянома” рисоласида, “Эй, фарзанд! Мен сенга барча ҳолатларда илм, адаб ва тақвода бўлишингни васият қиламан! Утган

уламопарнинг изидан юришинг лозим. Аҳли суннат ва жамоатнинг мулозими бўл!” дея қомиллик ва етуқликка чақиради.

Тафаккур олами

Маълумки, тасаввуф таълимоти халқчил, тушунарли ва халқ орасига кенг ёйилишида бадий ижод аҳлининг ўрни бекиёсдир. Тасаввуф адабиётининг юзага келишида ҳам сўфий, ориф зотларнинг илоҳий ишққа қараб интилишида мажозий, образли ифодадаларни шеърият орқали тараннум этишида кўринади. Чиндан ҳам, ўзбек мумтоз асарларидан, то XX аср бошларига қадар юзага келган насрий ва назмий меросда ўзига хос образлар, рамзлар, тимсолларнинг бадий ифодасини кўрамиз.

Бадий ижодда тасаввуфий тушунча ва истилоқлар мажоз орқали тараннум этилади. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёв, Бобораҳим Машраб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳўжаназар Ҳўвайдо, Увайсий, Нодира ва бошқа қўллаб ўзбек мумтоз ижодкорлар меросида инсоннинг поклик, эзгулик сари руҳий интилиши, риёзат чекиши, инсоний сифатларни эгаллаб, қомиллик қасб этиши ва энг муҳими, Яратганга илоҳий муҳаббат орқали хос банда бўлиш каби ғоялар муқассамдир.

Алишер Навоий ижоди шунчалар хилма-хил ва серқирраки, ўрганганинг сари янги-янги маънолар, сўз кучининг жоизбаси, тасвирнинг бетакрорлигини мушоҳада этиб бораверасан.

Хусусан, асарларида илгари сурилган адолат, саҳийлик, қаноат, вафо, қамтарлик, ҳаё, адаб, ростлик каби ахлоқий тушунчалар ва уларга қарама-қарши риё, тама, қибр, адабсизлик каби иллатларнинг бадий ифодаси орқали буюк ижодкорнинг фалсафий мушоҳадаси, тафаккур олами нақадар юксаклигини биламиз. Навоий даҳосининг умрбоқийлиги ҳам ана шундадир.

Шунингдек, Сўфи Оллоёв ижодида ҳам ислом арқонлари тасаввуфий ғоялар вобасталигида қаламга олинади. Бобораҳим Машраб эса, тавҳид ғояси учун маънавий кураш олиб борган илоҳсевар ошӣқ образини беради ва буни “жунон”, “жонон”, “ер”, “май”, “маъшук”, “парвона” каби мажозий тушунча ва тимсоллар орқали ифодаляйди. Бундан кўринадики, бадий ижодда, инсоний муҳаббатдан илоҳий муҳаббатга қараб бориш, руҳий покланиш, умр мазмунини яхшиликлар устига қуриш муҳим ва умуминсоний ғоя сифатида баҳоланишини аңглаш мумкин.

Бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик

Бундан ташқари, кейинги давр, яъни XVIII-XIX асрларда юзага келган ислом тарихини бадий ифода-лардан асарларда ҳам тарихий шахслар қаҳрамонлиги орқали тинчлик, бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик, эътиқодда собитлик ғоялари илгари сурилади.

Хусусан, Собир Сайкалийнинг “Равзат уш-шуҳадо”, Увайсийнинг “Қиссаи имом Хусайн”, Холис Тошкандийнинг “Қусам ибн Аббос”, “Шоҳ Жарир қиссаси” ҳамда муаллифи номаълум “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Қиссаи Машраб” каби асарлар аллақачон халқнинг маънавий мулкига айланган бўлиб, севиб ўқиб келинган ва инсонларни тўғри ашаш, эзгулик қилишга қорлаган.

Бугунги кунда ҳам бундай мазмундаги асарлар ўз қадр-қимматини йўқотмаган ҳолда се-

Маънавият

www.yuz.uz



Аждодларга муносиб авлод бўлайлик

виб мутолаа қилинади ва инсонсеварлик, тинчликпарварлик, бирдамликдан сабоқ беради. XX аср маърифатпарварлар ижоди ва маънавий жасоратини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Инчунин, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Исроҳон Иброт, Абдулҳамид Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварлар ижоди ва уларнинг маърифий тақомил йўлидаги фаолияти бугунги авлод учун ибрат мактабидир. Бу маърифатпарварлар ўз даврини Учинчи ренессанс босқичига олиб чиқишга интилган маънавий йўлбошчилардир. Халқни илм, маърифат мағи остида бирлаштириб, улкан мақсад сари ҳаракатланишга қорлаган ва бу йўлда маънавий қанот бўлган, ҳатто илм тарқатиш, зиё улаштириш умрларининг мазмунига айлан-тирганлар.

Абдулла Авлоний етуқ педагог сифатида ўз замонаси ёшларининг таълим-тарбияси масаласини юқори ўринга қўйган. Ижодкорнинг тарбияга оид “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асари ёки мактаблар учун ёзган қатор дарсликлари ўз даври ва бугунги кун учун ҳам қимматли ва қадридлир.

Абдурауф Фитрат ҳам араб, форс, турк, рус тилларини пухта билган, фан соҳаларидан хабардор ҳамда ислом илмлари бўйича чуқур билим ва дунёқарашга эга етуқ олим, моҳир таржимон, қалами ўткир публицист бўлган. Ижодкор ўз замонасининг иллатларини танқид остига олади, ўз манфаатини ўйлаб, ўзгалар аҳволига бефарқ, халқ турмуши билан иши йўқ амалдорлар ҳамда беғам, лоқайд инсонларнинг қўлпигидан қайғуради. Қалби уйғок, халқ дарди билан яшаган ижодкор афсус, надомат билан мурожаатли тарзда қуйидагиларни ёзади:

**Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатгучи ҳоқонлар?
Борми сенда қорин, курсок йўлида,
Элни, юртни, борин-йўғин сотқонлар?**

Халқни илм-маърифатли қилиш, санъат ва маданиятни ривожлантириш, нашр ишларини кенгайтириш, турли давлатлар билан илмий-маърифий алоқаларни янада кучайтириш, энг муҳими, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор бериб, ўз асарлари, шеърлари орқали маърифатга қорлаган буюк маърифатпарварларимизнинг амалий фаолияти ва тинимсиз саъй-ҳаракатлари бекиёсдир.

Умуман олганда, ҳар бир даврда бўлгани каби бугунги кунда ҳам алломалар илмий меросини тадиққ этиш, содда ва тушунарли қилиб халққа етказиш, айнқиса, ёшлар онгу шуурига маърифий жиҳатларни синдириш олимлар зиммасига қатта масъулият юкляйди.

Бу борада, юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади” деган сўзлари негизда ҳам улкан маъно муқассам. Шубҳасиз, ёшлар эртанги кун эгалари, улар қанчалик баркамол бўлса, жамият шунчалик тараққий этади.

Бугунги авлод ҳам аждодларга муносиб ворис бўлган ҳолда турли фан соҳаларини билишлари, илм сирларини чуқур эгаллашлари, маърифатли, интеллектуал салохиятли, кенг дунёқараш ва мустикал фикрга эга шахс бўлишларини глобаллашув жараёнлари тақозо этади.

Зеро, алломалар мероси бебаҳо маънавий бойлик, билим дурига лиммо-лим ҳазинадирки, бу илму ирфон инжуларига тўла ҳазина бизни ҳамisha тарбиялайди ва улук аждодларга муносиб авлод сифатида буюк мақсадлар, улкан ишларни амалга оширишга ундайди.

**Лола АЗИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти**

Маънавиятни тилдан, тилини эса маънавиятдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Кишилик тарихидаги барча маънавий бойликлар бизга тил орқали етиб келган. Халқ достонлари, қўшиқлари, афсоналари, эртақлари оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган ва бугун маънавий меросимизга айланган.

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

МАЪНАВИЯТ ВА ТИЛ ЭГИЗАК



**Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси**

Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар ўзбек тилини мустикал Ўзбекистоннинг муқаддас тимсолларидан бири деб билади, уни ўқиб-ўрганади. Энг муҳими, улар ҳам ўз она тили ва маданиятини ривожлантириши учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган.

Таъкидлаш кераки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг миллий мустикалликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар

вилоятидаги ташкилотлари ходимлари, Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди. Мазкур маънавий-маърифий тадбир дастури доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси директори ўринбосари Ф.Ҳамроев “Жадиличилик ҳаракати, миллат тақдир ва тил сиёсати”, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шуккур Қурбон “Жадиладарнинг миллий маънавият ривожига қўшган ҳиссалари”, Тошкент давлат аграр университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири Д.Муҳитдинова “Эрк ва маърифат учун курашган фидойилар. Жадиладарнинг маърифатпарварлик фаолияти, юрт истиқлоли йўлидаги бекиёс хизматлари” мавзусидаги маърузалари билан қатнашди.

Тизимдаги 228 та ташкилот, қорхона ва муассасанинг барчасида расмий банклар, муҳрлар, бурчак штамплари, 219 тасида маъмурий бинолардаги пешлавҳалар, кабинетлар эшикларидида ёзувлар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида тайёрланиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлиқ мувофиқлаштирилди.

Вазирлик тизимидаги бошқарув аппарати ходимларининг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш асослари бўйича 20 соатлик ўқув режаси асосида махсус видеодрслар тайёрланиб, вазирлиқнинг масофавий ўқитиш тизимига жойлаштирилди. Улардан тизимдаги бошқарув аппарати барча ходимларининг мустикал равишда ва жамоавий машғулотларда билим ҳамда малакаларини ошириш имкониятлари яратилди.

Давлат тили мавқеини мустикамлаш ва унинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш мақсадида АҚШнинг Мичиган штати университети профессори Темур Ҳўжа ўғли билан видеоконференция шаклида мулоқот ўтказилди. Унда ҳорижий олий таълим муассасалари талабаларига ўзбек тилидан таълим бериш борасида амалий-услубий



Ҳамми йўлдошев олган суратлар.

юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда бўруси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жоизбасини тўла намён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, сановат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдли “Ўзбек тилининг изохли луғати” бу борада қилинган ишларнинг энг муҳимларидан бири бўлди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ҳам маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этилди. 2021 йил учун “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Тизимдаги 228 та қорхона, ташкилот ва муассасада маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш мақсадида масъул ходимлар белгиланди. Уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва қасбий билимларини ошириш бўйича вазирлик томонидан маънавият ва маърифат соатлари мавзулари режаси тасдиқланди. Ушбу мавзулар бўйича 20 та видеодрсл тайёрланиб, вазирлиқнинг масофавий ўқитиш тизимига жойлаштирилди.

Ҳозирги пайтда вазирликка қарашли 25 та ташкилотда 2,5 миллион нуҳсадан ортик адабиёти бўлган кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Истиқлол байрами арафасида “Мустикаллимизнинг 30 йиллиги: истиқлол учун жон фидо этган маърифатпарвар жадиладар” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тошкент шаҳри ва

ҳамкорлик қилиш, уларга миллатимизнинг маданияти, маънавияти ва тарихий қадриятларини тарғиб этиш, ёғи таътил даврида ҳорижий талабаларнинг тизимдаги олий таълим муассасаларида тил амалиётларини ўтказиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимиз қадимдан деҳқончилик маданияти ривожланган юртлардан бири сифатида эътироф этилади. Ҳозирги пайтда илгор ҳорижий таъриба ва замонавий технологиялар, фан-техника ютуқлари соҳада жадаллик билан жорий қилинмоқда. Шу билан бирга, соҳага қўллаб янги халқаро ва ҳорижий сўзлар кириб келмоқда. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олиб, Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда “Қишлоқ хўжалиги терминлари изохли луғати” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Вазирлик тизимидаги бешта олий таълим муассасасида “Ўзбек тилининг қўлланилиши” фани ўқув режага киритилди. 2021-2022 ўқув йилида бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари ўқув дастури асосида соҳага оид, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида 100 дан ортик янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмани лотин алифбосида яратиш белгиланди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан мунтазам ташкил этилиб келинаётган ўқув курсларида вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий тизим ташкилотлари ходимлари билим ва малакаларини ошириб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вазирлигимизда маънавий бойлигимиз бўлган тилимиз раънақи учун хизмат қиладиган барча ишларга кенг йўл очилган.